

**НЕФТ МАХСУЛОТЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА
ШАРТНОМА № 8**

“01” - февраль 2022 йил

Ғиждувон тумани .

“Ифтихор Баҳор Ёлдузи” МЧЖ кейинги ўринларда “Таъминотчи” деб юритилади. Ўзининг низоми асосида иш юритувчи _____ бир томондан ва Туман ҳокимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бошқармаси, кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб юритилади, ўзининг низоми, асосида иш юритувчи У.Туев иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»га нефт маҳсулотларини сиқилган газ (Метан) ёқилғиси бўйича 2021 йилга ажратилган лимитларга асосан, бошқа нефт маҳсулотлари турлари бўйича эса «Таъминотчи»нинг ресурс имкониятлари ва «Истеъмолчининг талабномасида кўрсатилган эҳтиёжларига асосан тузилган ва томонлар келишилган спецификацияга биноан етказиб беришни ўз зиммасига олади. Тузилган спецификация ва график шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

1.2. Тўловлар «Истеъмолчи»нинг 2022 йилги ҳаражатлар сметасида ажратилган маблағлардан ошмаган ҳолда амалга оширилади.

1.3 Шартноманинг умумий суммаси - 10 000 000 (Ўн миллион) сўми ташкил қилади. Шартноманинг суммаси нефт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқилаётган нефт маҳсулотларининг нархлари, нефт маҳсулотини ташиш билан боғлиқ темир йул ҳаражатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Молия вазирлиги қарорига асосан ўзгартирилганда ёки нефт маҳсулотлари таъминоти корхоналарининг устама нархлари ўзгарганда ёхуд нархлар бошқа объектив сабабларга кўра ўзгарганда қайта кўриб чиқилади.

2. МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

2.1. Нефт маҳсулотлари «Истеъмолчи»га ажратилган лимитлар доирасида, «Истеъмолчи» таксимотида кўра ўз транспортида, марказлаштирилган тарзда, «Транзит» билан ёки ёқилғи қуйиш шахобчаларидан таркатиш ведомостлари асосида белгиланган тартибда (керакисини ости чизиб қўйилсин) етказиб берилади.

2.2. Нефт маҳсулотларини ортиш (олиб чиқиб кетиш) томонлар келишган вақтда, ортиш жадвалига асосан амалга оширилади. Маҳсулотни ортиш вақти томонлар келишувига асосан ўзгартирилиши мумкин.

2.3. «Истеъмолчи» нефт маҳсулотларини ўз тасарруфидаги транспорт воситаси билан олиб кетишда нефт маҳсулотларини ташиб кетишга қўйиладиган барча талабларга риоя қилишни ўз зиммасига олади.

2.4. «Таъминотчи» омборига маҳсулот қуйиш учун олиб келинган автомобил цистерналари 1510-84 давлат стандарти талабига жавоб бермаган тақдирда автоцистерналар маҳсулот қуйишга киритилмайди. Мазкур транспорт воситаларнинг бўш бориб келиши учун қилинган ҳаражатлар «Истеъмолчи» зиммасига тушади.

2.5. Нефт маҳсулотлари қуйилган автоцистерналар («Истеъмолчи»нинг автотранспортида олиб кетиш ҳоллари бундан мустасно) «Таъминотчи» ёки унинг бўлимлари томонидан амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга (1540-84 давлат стандарти) мос тарзда тамғаланади. Тамғалаш «Истеъмолчи»нинг талабига биноан амалга оширилади.

2.6. Нефт маҳсулотлари «Таъминотчи» транспорти билан ташилганда транспорт ҳужжатларида транспорт хизматининг хақи ҳам кўрсатилади.

2.7. «Таъминотчи» маҳсулот йўқлиги сабабли маҳсулотни тўла бермаган тақдирда, берилмай қолган маҳсулот миқдорини (лимити) кейинги даврда етказиб бериши шарт

Агарда маҳсулоти етказиб берилмаганлиги «Истеъмолчи»нинг зарар кўришига олиб келса, «Таъминотчи» кўрилган зарарни тўлайди.

3. ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ

3.1. Ушбу шартнома ўзаро ҳисоб-китоблар учун асос ҳисобланади.

3.2. «Истеъмолчи» олаётган нефт маҳсулоти учун ҳар ой олдиндан тулов:

- бензин, дизел ёқилғиси ва газ (Метан) учун 100 фоиз миқдорда амалга оширилади

3.3. «Истеъмолчи» томонидан тўловлар ҳар ойда, илова қилинган графикка асосан, ҳаражатлар сметасида ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади.

3.4. «Таъминотчи» нефт маҳсулотларини «Истеъмолчи»га маҳсулотни юклаш пайтидаги улгуржи нархда сотади, бунда корхона устама нархи ва темир йул ҳаражатлари ҳисобга олинади.

3.5. Нефт маҳсулотларининг нархи, темир йул ҳаражатлари ва корхонанинг устама нархи ўзгарган тақдирда ушбу шартнома ва спецификацияга тегишли ўзгартиришлар киритилади.

4. ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Нефт маҳсулотларининг миқдори ва сифати бўйича «Истеъмочи» «Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини миқдор (П-6) ва сифат (П-7) жиҳатидан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида йўриқнома»га ҳамда бошқа норматив ҳужжатларга асосан қабул қилиб олинади.

5. МАХСУЛОТ СИФАТИ

5.1. Етказиб бериладиган маҳсулот сифати ГОСТ 1510-85 давлат стандартлари ва техник шартларига мос бўлиши ҳамда бу маҳсулот ортиш ва қузатувчи ҳужжатларида қайд этилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1 «Таъминотчи» нефт маҳсулотларини етказиб бериш муддатларини кечиктирганлиги ва ўз муддатида етказиб бермаганлиги учун «Истеъмолчи»га мажбуриятлар бажарилмаган қисми устидан 0,5 фоиз миқдорда пеня тўлайди, лекин тўланадиган пенянинг умумий миқдори етказиб берилмаган нефт маҳсулотлари қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўлаш, шартнома мажбуриятларини бузган томонни нефтмаҳсулотларини кечиктириб ёки етказиб берилмаганлиги оқибатида юзага келган зарарни тўлашдан озод этмайди.

6.2. Амалдаги қонунчилик ва ҳўжалик шартномаси, стандартлар, техник шартлар. Сифат талаби, турлари ва ассортиментлари бўйича талабга тўғри келмаган нефт маҳсулотлари етказиб берилганда «Истеъмолчи» нефт маҳсулотларини қабул қилишдан бош тортиши, «Таъминотчи»дан талаб даражасида бўлмаган нефт маҳсулотлари қийматининг 20 фоизи миқдорда жарима ундириши, агар маҳсулот қиймати тўланган бўлса, белгиланган тартибда тўланган маблағни қайтиб олиш ҳуқуқига эга. Талаб даражасида бўлмаган нефт маҳсулотлари етказиб берилганлиги учун жарима «Таъминотчи»дан акцептсиз тартибда ундирилади.

6.3. Шартномада белгиланган муддатда олинмаган ва нефт маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош торганлиги учун «Истеъмолчи»нинг ҳаражатлар сметасида мавжуд маблағлар ҳисобидан «Таъминотчи»га олинмаган маҳсулотнинг умумий қийматини 5 фоизи миқдорда жарима тўлайди. Нефт маҳсулотлари тўлик олинмаган тақдирда «Таъминотчи», жарима ундиришдан ташқари, маҳсулот олинмаганлиги натижасида кўрилган ҳар бир қийматини тўлашни талаб қилишга ҳақли. бунда у мазкур маҳсулотнинг борлигига қафолат бериши лозим.

6.4. Етказиб берилган нефт маҳсулоти тўловини 60 кунлик кечиктириб юборганлик учун «Истеъмолчи» ҳисобидан «Таъминотчи»га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган Тўлов суммасининг 0,1 фоизи миқдорда, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.5. Ушбу шартномада бирон-бир шартнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган бўлса, у ҳолда мазкур бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Фуқоралик Кодекси ва «Ўзбекистон юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунга биноан қўлланилади.

7. ШАРТНОМАНING АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

7.1. Мазкур шартнома 2022 йил «31» - декабр гача амалда бўлади.

7.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

8. ШАРТНОМАНING ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

8.1. 2006 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси «Давлат бюджетининг Ҳазна интроси тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 894-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурбанига оид шартномалари мажбурий тартибда Ҳазначиликда рўйхатга олинмиши шартлиги ва фақат у амалга оширилганидан кейин кучга кириши назарда тутилган

9. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

9.1. Агар шартнома тузилгандан сўнг иккала томон ўз мажбуриятларини гайри табиий ҳолатлар, сув томолини, ёнғин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар сабабли бажармаса ҳеч қайси томон тўла ёки қисман бажарилмаган мажбуриятлар учун жавобгар ҳисобланмайдилар.

10. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

10.1. Ушбу шартномада назарда тутилмаган бошқа барча масалаларни тарафлар Фукаролик Кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунга амал қилган ҳолда тартибга келтирилади.

11. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ

11.1. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар амалдаги суд қонун ҳужжатларида белгилаган тартибда хўжалик судлари томонидан хал қилинади.

11.2. Мазкур шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартиришлар ва қўшимча ёзма равишда бўлиб, ҳар икки томон имзолангандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

11.3. Тарафлар ўртасида муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

11.4. Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022 йил 31-декабргача амалда бўлади.

12. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ.

«Таъминловчи»

"Ифтихор Баҳор Ёғдуси" МЧЖ

Адрес: Гиждувон туман Ю.Хамадоний

Тел.: +998906365005

Факс:

ИНН: 301557064

ОКЭД:47300

Р/С: 20208000204841570001

Банк: Ат Алокабанк Тошкент шаҳар бош офиси

МФО: 00401



«Буюртмачи»

Гиждувон туман ҳокимлиги ҳузуридаги

Ободонлаштириш бошқармаси

Манзил: Гиждувон ш. Пахтакор кўчаси 40 - уй

Тел./факс: 57-26-8-95

ш/х 400122860062157065400110001

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи: 203621572

ОКОНХ: 90211

Ҳазначилик бўлинмаси номи: Гиждувон тумани бўйича Ҳазначилик бўлинмаси

Ҳазна ҳ/в: 23 402 000 300 100 001 010

Банкнинг номи: Марказий банк Тошкент шаҳар ББҲҚКМ

МФО: 00014

ИНН: 201122919

Раҳбар:



(ИМЗО)

У.Туев

2022 й. «01-Февраль» Гиждувон туман ҳокимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш
бошқармаси ва "Ифтихор Баҳор Ёғдуси" МЧЖ ўртасида
10 000 000 сўм умумий суммага тузилган 8 - сонли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ

Боб 110

Шахсий газна ҳисобварақ 400122860062157065400110001

(сўмда)

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури 7065 200			Жами
	42 52 500			
Январь				
Февраль	10 000 000			10 000 000
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Жами йил бўйича	10 000 000			10 000 000

Жами 10 000 000 сўм (Ўн миллион) сум
сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан хар ойда ёки шартноманинг умумий суммасидан
100 % **февраль** ойида тўланиши лозим.

Буюртмачи раҳбари

М.У.

Буюртмачи бош

бухгалтери

(имзо)

(имзо)

У.Х.Туев
Ф.И.О.

М.Х.Эшназаров
Ф.И.О.

Ҳазначилик бўлинмасининг
ҳодими қабул қилди _____
(имзо)

Буюртмачи ходими
қабул қилди _____
(имзо)

20__ й. «__» _____

20__ й. «__» _____

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNI QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

№ 8-sonli

1. Loyixaning turi: Shartnoma

2. Loyixaning nomi: neft maxsulotlarini yetkazib berish to'g'risida

«Ta'minotchi» «Iftixor Baxor Yog'dusi» MCHJ «Iste'molchi»ga neft maxsulotlarini siqilgan gaz (Metan) yoqilg'isi bo'yicha 2021-yilga ajratilgan limitlarga asosan, boshqa neft maxsulotlari turlari bo'yicha esa «Ta'minotchi»ning resurs imkoniyatlari va «Iste'molchi»ning talabnomasida ko'rsatigan extiyojlariga asosan tuzilgan va tomonlar kelishilgan spetsifikatsiyaga binoan yetkazib berishni o'z zimmasiga olishi, tuzilgan spetsifikatsiya va grafik shartnomaning ajralmas qismi hisoblanishi to'g'risida.

3. Loyiha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqida ma'lumot:

G'ijduvon tuman hokimligi huzuridagi Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 2022-yil 3-fevral kuni ishlab chiqarilgan va dasturga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqarilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**G'ijduvon tuman
yuridik xizmat ko'rsatish
markazi bosh yuriskonsulti**

D.Hakimov

2022-yil 3-fevral

